

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 29 “ март № ПҚ-3630 „ “ 20 г.

**“Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

“Обод қишлоқ” дастурининг 2018 йил учун мўлжалланган мақсадли параметрлари ҳамда дастур доирасида 2018 йилда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг асосий кўрсаткичлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

“Обод қишлоқ” дастури доирасида 2018 йилда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг молиявий кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

“Обод қишлоқ” дастури доирасида ишлаб чиқариш корхоналарига табиий газ ва электр энергиясини аҳоли учун белгиланган нархларда етказиб бериш преференциялари тадбиқ этиладиган асосий турдаги қурилиш материаллари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

“Обод қишлоқ” дастури амалга ошириш учун туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган махсус штабларнинг намунавий таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) 6-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

дастурда иштирок этаётган вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, юзага келган муаммоли масалаларни ҳал этиш;

қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича белгиланган параметрлар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашнинг бориши юзасидан тизимли мониторинг юритиш;

келгуси йиллар учун “Обод қишлоқ” дастурини тайёрлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган қишлоқ аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантириш ва дастур параметрларини ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар – буюртмачиларнинг таклифлари асосида тасдиқланган дастурнинг тегишли параметрларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, бажариладиган иш турлари ва ҳажмлари ҳамда молиялаштириш манбаларига келишилган ҳолда аниқлик киритиш.

Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти Республика комиссиясининг Ишчи органи этиб белгилансин ҳамда унга келгуси йиллар учун “Обод қишлоқ” дастурини ишлаб чиқиш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган қишлоқ аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантириш ва дастур параметрларини ишлаб чиқиш вазифаси юкланлсин.

Республика комиссияси (Раматов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармонидан келиб чиқиб, ўн кун муддатда маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирлик (идора)лар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган туман ва қишлоқлар кесимидаги манзилли рўйхатларни тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда келгуси йил Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш дастури параметрларини шакллантиришда “Обод қишлоқ” дастури доирасида 2019 йилда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун зарурий марказлашган капитал қўйилмалар лимити кўзда тутсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа объектлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникациялари қурилиши учун халқаро молия институтларининг кредит маблағларини жалб қилиш учун лойиҳанинг молиявий-иқтисодий ҳисоботини (лойиҳаолди ҳужжатини) ўн беш кун муддатда тайёрлаб, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмуродов вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий ҳисоботлари (лойиҳаолди ҳужжатлари) асосида “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ва грант маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар)лар ҳокимликлари бир ой муддатда тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган ҳар бир туман (шаҳар) ва қишлоқ бўйича махсус штабларни шакллантириб, уларнинг фаолиятини йўлга қўйсин, шунингдек, ҳар бир объект кесимида тармоқ жадвалларини тасдиқласин ва мониторинг натижаларини ҳар ой якуни билан Республика комиссиясига тақдим этиб борсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ, бошқа тегишли вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари “Обод қишлоқ” дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ асосий турдаги маҳаллий қурилиш материаллари, буюмлари ва жиҳозлари билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўрсинлар.

“Ўзқурилишматериаллари” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК, “Ўзэлтехсаноат” АК, таркибида қурилиш материаллари ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлган хўжалик бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун маҳаллий қурилиш материаллари, буюмлари ва жиҳозларини етказиб бериш учун жойларда савдо шохобчалари – корхоналарнинг фирма дўконлари ва филиалларини комплекс тарзда ташкил этсинлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” кўмитаси, “Давархитектқурилиш” кўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат автомобиль йўллари кўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, бошқа тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларини хатловдан ўтказиб, уларнинг натижаларига кўра:

мавжуд уй-жойлар, бино-иншоотлар, инфратузилма объектлари, йўл-транспорт ва муҳандислик коммуникацияларининг техник ҳолатини ўргансинлар ҳамда шу асосда уларда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилишини;

техник талабларга жавоб бермайдиган ёки ноқонуний равишда қурилган бино-иншоотлар ва қурилмаларнинг бузилишини;

ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари туман ҳокимликларининг ер заҳира фондларига олинишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат автомобиль йўллари кўмитаси “Обод қишлоқ” дастури доирасида туман марказидан қишлоқларгача бўлган йўллارни, қишлоқларнинг марказий кўчаларини ва асфальт билан қопланган йўллارни таъмирлаш, қишлоқларнинг асфальт қопламасиз ички йўлларини кум-шағал қоришма ётқизиш ва пиёдалар йўлакларига бетон қоплама ётқизишни назарда тутувчи лойиҳа ечимлари асосида амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар)лар ҳокимлари ҳамда секторлар раҳбарлари билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида мавжуд кўп хонадонли уй-жой фондини яхшилаш, умумфойдаланув қисмлари ва майдонларини (фасад, подъезд, зина майдонлари, том, ертўла, тротуар, болалар майдончалари) таъмирлаш, маиший инфратузилма объектларини (ташки санитария тармоқлари, тандирхона) жойлаштириш ҳамда атроф-ҳудудини тартибга келтириш бўйича намунавий талабларни (эскиз лойиҳасини) ишлаб чиқиб, ишларни шу асосда амалга оширишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун алоҳида лойиҳа ташкилотларини бириктириб, улар томонидан кўп хонадонли уй-жой фондиди яхшилаш, ташқи қиёфасини тартибга келтириш, умумфойдаланув қисмлари ва майдонларини таъмирлаш, маиший инфратузилма объектларини жойлаштириш ҳамда атроф-худудини ободонлаштириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиши таъминлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология кўмитаси худудий “Тоза худуд” ДУКлар билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида чиқинди йиғиш пунктларини барпо этиб, тизимли равишда чиқиндиларни йиғиш, олиб кетиш ва утилизация қилиш ишлари ташкил қилсин ҳамда мазкур ишларни бажарадиган корхоналарни зарурий транспорт воситалари, техника ва машина-механизмлар билан таъминлаш юзасидан чоралар кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари, хўжалик бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар билан билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг иш билан бандлиги оширилишини таъминласин.

Бунда, мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, бўш турган бино-иншоотларда ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини ташкил этиш, ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш ҳамда уларнинг тармоқларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов, Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630 сонли қарорига  
1-илова

**“Обод қишлоқ” дастурининг 2018 йил учун мўлжалланган  
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

дона

№	Худудлар номи	Туманлар сони	МФЙ ва ОФЙлар сони	Хонадон сони	Аҳоли сони (минг киши)
---	---------------	---------------	--------------------	--------------	------------------------

	<b>ЖАМИ</b>	<b>174</b>	<b>368</b>	<b>333 740</b>	<b>1 719 978</b>
--	-------------	------------	------------	----------------	------------------

1	Қорақалпоғистон Республикаси	15	29	24 119	142 607
2	Андижон вилояти	14	28	18 114	101 533
3	Бухоро вилояти	11	22	18 020	93 705
4	Жиззах вилояти	12	24	18 709	121 796
5	Қашқадарё вилояти	13	26	43 635	229 973
6	Навоий вилояти	9	17	11 796	69 462
7	Наманган вилояти	11	22	18 551	100 882
8	Самарқанд вилояти	16	32	17 565	104 113
9	Сирдарё вилояти	8	16	11 756	62 312
10	Сурхондарё вилояти	14	28	20 645	117 612
11	Тошкент вилояти	15	30	20 027	103 719
12	Фарғона вилояти	15	30	27 013	131 423
13	Хоразм вилояти	10	20	17 123	97 603
14	Тошкент шаҳри	11	44	66 667	243 238

«Обод кишлоқ» дастури доирасида 2018 йилда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг  
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

млн.сўм

№	Худудлар номи	Уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш		Ичимлик суви таъминотини яхшилаш		Тозалов иншоотлари (оқава сув хандақлари)		Электр энергияси таъминотини яхшилаш		Газ таъминотини яхшилаш			Автомобиль йўллارини таъмирлаш		Ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш		Бозор инфратузилма объектлари қуриш (таъмирлаш)		Аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш ҳамда автобусларда йўловчилар ташиниш тизимини янада такомиллаштириш		
		сон	тахминий қиймати	км	тахминий қиймати	дона	тахминий қиймати	км	тахминий қиймати	газ балони, дона	тармоқ, км	тахминий қиймати	км	тахминий қиймати	дона	тахминий қиймати	дона	тахминий қиймати	автобуслар харид қилиш (дона)	бекатларни ташкил этиш (дона)	тахминий қиймати
<b>ЖАМИ</b>		127 143	951 825,2	1 535	234 192	17 072	94 017	1 847	121 598	44 868	263	35 519	2 083	548 165	736	695 275	2 756	398 701	571	252	159 581
1	Қорақалпоғистон Республикаси	13 394	100 271	111	13 431	955	3 763	204	8 407	4 584	49	1 035	111	22 112	66	35 155	172	27 072	40	23	12 740
2	Андижон вилояти	9 292	69 562	114	28 936	779	2 849	82	5 723	4 501	8	338	187	51 040	37	15 385	202	25 069	77	19	19 712
3	Бухоро вилояти	8 564	64 112	100	21 873	438	1 534	95	6 064	1 568	21	1 682	62	9 020	43	33 930	325	38 893	81	17	21 046
4	Жиззах вилояти	7 709	57 711	124	17 771	472	5 534	260	25 513	1 385	6	3 485	140	58 904	64	43 755	348	22 121	23	18	6 188
5	Қашқадарё вилояти	14 059	105 249	199	35 200	93	10 955	202	9 432	2 057		1 533	111	21 367	46	50 300	148	5 354	51	21	13 556
6	Навоний вилояти	5 408	40 486	101	20 466	48	96	137	2 873	470	60	374	158	50 541	42	58 666	58	37 370	16	15	4 196
7	Наманган вилояти	9 501	71 127	85	18 086	625	4 520	82	5 744	3 552		3 171	107	22 667	46	25 717	397	34 740	83	18	21 748
8	Самарқанд вилояти	9 855	73 777	93	10 028	2 391	5 978	146	6 441	4 500	17	1 497	162	75 689	49	106 976	173	39 250	81	24	21 436
9	Сирдарё вилояти	6 523	48 833	85	8 928	8 803	1 084	69	6 649	7 946	9	1 439	187	24 695	33	79 136	144	16 377	27	19	8 612
10	Сурхондарё вилояти	9 389	70 288	154	20 798	10	4 735	200	18 382	3 732	6	1 256	154	34 595	57	76 352	128	30 031	6	16	5 286
11	Тошкент вилояти	14 243	106 626	99	11 613	515	4 659	135	11 115	1 874	18	6 125	225	55 664	38	26 105	108	12 860	25	18	8 175
12	Фарғона вилояти	10 768	80 615	78	9 841	1 845	6 140	74	5 759	4 440		3 881	108	7 076	92	42 003	268	45 271	40	23	10 810
13	Хоразм вилояти	6 965	52 142	115	15 198	19	29 580	56	5 422	4 259	26	9 541	175	65 135	56	29 766	184	24 894	21	21	6 076
14	Тошкент шаҳри	1 473	11 027	80	2 024	78	12 590	108	4 075		43	163	196	49 661	67	72 030	101	39 399			

“Обод қишлоқ” дастури доирасида 2018 йилда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг молиявий  
КЎРСАТКИЧЛАРИ

млн.сўм

№	Худудлар номи	Жами йўналтириладиган маблағлар	Шу жумладан, маъбалар кесимида										
			Маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча маъбалари ҳисобидан	Марказлашган маъбалар ҳисобидан	Ҳалқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатларнинг кредит ва грант маъбалари	шундан			Тармоқ корхоналарининг маъбалари	шундан		“Маҳалла” жамғармаси ва бошқа жамғарма ташкилотлари ҳисобидан	Бозор инфратузилмаси объектлари учун тадбиркорларнинг ўз маъбалари, хомийлик, хашар ва тижорат банклари кредит маъбалари
						Ички ва хўжалиқлараро йўллари таъмирлаш	Ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш (таъмирлаш)	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш		Ўзбекэнерго маъбалари *, ХМИ маъбалари ** ҳисобидан	Ўзтрансгаз АЖ маъбалари		
	<b>ЖАМИ</b>	<b>3 040 785</b>	<b>870 387</b>	<b>549 917</b>	<b>779 424</b>	<b>326 821</b>	<b>302 690</b>	<b>149 093</b>	<b>147 944</b>	<b>123 404</b>	<b>24 184</b>	<b>94 182</b>	<b>598 932</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	122 614	36 508	25 736	36 476	13 639	5 000	17 317	9 437	8 407	1 035	1 885	12 572
2	Андижон вилояти	204 035	63 503	41 312	58 553	22 197	7 420	28 936	6 061	5 723	338	9 538	25 069
3	Бухоро вилояти	143 236	30 438	21 466	30 425	2 480	18 220	9 725	6 679	6 064	615	26 834	27 394
4	Жиззах вилояти	340 358	53 574	37 669	53 390	29 452	15 053	8 885	28 624	25 513	3 112	9 837	157 264
5	Қашқадарё вилояти	222 965	63 003	42 293	59 944	23 584	25 344	11 016	13 062	11 473	1 589		44 663
6	Навоний вилояти	242 327	72 691	45 720	64 801	24 209	31 320	8 973	3 537	2 828	199		55 578
7	Наманган вилояти	127 429	32 384	22 072	31 284	11 334	10 907	9 043	8 915	5 744	3 171	11 055	21 720
8	Самарқанд вилояти	322 051	94 235	65 656	93 057	37 844	50 199	5 014	7 938	6 441	1 497	411	60 754
9	Сирдарё вилояти	101 792	32 322	18 402	26 082	9 466	9 926	6 690	8 088	6 649	1 439	2 670	14 228
10	Сурхондарё вилояти	252 188	62 648	49 617	70 325	34 595	35 730		19 297	18 192	1 256	2 361	47 939
11	Тошкент вилояти	166 196	77 330	24 154	34 234	28 354		5 880	14 797	11 115	3 682		15 681
12	Фарғона вилояти	143 769	45 082	10 870	15 406	2 255	5 349	7 803	7 803	5 759	2 044		64 608
13	Хоразм вилояти	208 597	69 142	48 783	69 142	37 752	16 193	15 198	9 468	5 422	4 046		12 062
14	Тошкент шаҳри	443 228	137 528	96 168	136 304	49 661	72 030	14 614	4 238	4 075	163	29 591	39 399

\*) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2661-сон қарорида кўзда тутилган маъбалар ҳисобидан

\*\*) ХМИ томонидан паст қучланишли тармоқлар ва трансформатор модернизацияси учун ажратиладиган маъбалар ҳисобидан

**"Обод қишлоқ" дастури доирасида 2018 йилда ишлаб чиқариш корхоналарига табиий газ ва электр энергиясини  
аҳоли учун белгиланган нархларда етказиб бериш преференциялари тадбиқ этиладиган асосий турдаги қурилиш материаллари  
РЎЙХАТИ**

№	Худудлар номи	Металл прокати (тонна)	Цемент (тонна)	Шағал (м.куб)	Қум қаръери (м.куб)	Эшик (дона)	Дераза ва ойна (дона)	Лой-бўёқ маҳсулотлари (тонна)	Гипс картон м.кв.)	Ғишт (минг дона)	Ёғоч материаллар (м.куб)	Шифер (минг дона)	Темир-бетон маҳсулотлари (дона)
	<b>ЖАМИ</b>	<b>8 461</b>	<b>105 981</b>	<b>888 145</b>	<b>387 454</b>	<b>54 387</b>	<b>89 075</b>	<b>11 054</b>	<b>399 531</b>	<b>79 541</b>	<b>57 249</b>	<b>68 848</b>	<b>654 382</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	156	2 387	24 676	18 983	1 328	1 808	822	21 719	3 480	1 734	55	2 866
2	Андижон вилояти	328	2 878	14 056	12 524	1 523	1 809	1 766	10 021	5 271	975	82	2 483
3	Бухоро вилояти	448	1 852	15 463	6 038	1 229	1 873	28	13 760	3 625	1 140	3 303	1 040
4	Жиззах вилояти	47	1 044	186 500	16 108	1 440	4 956	28	10 474	1 108	487	124	2 409
5	Қашқадарё вилояти	265	8 070	6 825	5 971	2 754	4 234	823		6 786	1 474	288	16 248
6	Навоний вилояти	584	41 533	68 918	89 517	31 580	42 924	332	2 176	18 170	11 743	52 020	12 208
7	Наманган вилояти	172	1 239	19 278	1 499	621	931	63	29 607	3 467	1 125	32	1 110
8	Самарқанд вилояти	218	2 078	68 286	83 049	907	8 834	13	26 403	3 925	1 185	54	3 259
9	Сирдарё вилояти	3 008	17 440	321 056	17 480	1 288	1 992	125	5 120	6 288	3 280	111	4 752
10	Сурхондарё вилояти	1 604	10 761	61 616	83 309	6 931	10 483	267	103 622	21 109	9 695	7 166	581 870
11	Тошкент вилояти	788	4 964	5 677	7 855	2 090	2 690	197	11 783	232	1 491	46	
12	Фарғона вилояти	149	904	65 700	7 371	905	1 659	5 489	20 159	1 033	2 065	414	8 435
13	Хоразм вилояти	643	10 587	28 740	36 820	1 181	1 765	567	18 310	4 131	2 639	2 702	1 664
14	Тошкент шаҳри	52	245	1 355	930	610	3 117	534	126 377	916	18 216	2 450	16 039

"Обод қишлоқ" дастурига киритилган объектларни сифатли ва арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида, асосий турдаги маҳаллий қурилиш материалларини рўйхати ишлаб чиқариш учун корхоналарга газ ва электр энергияси 2018 йил 1 майдан бошлаб, аҳоли учун белгиланган нархларда етказиб бериш преференциялари асосида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630 сонли қарорига  
5-илова

**“Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни ташкил этиш учун  
туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган  
махсус штабларнинг намунавий  
ТАРКИБИ**

1. Лавозимига кўра - Туман сектори раҳбари, *штаб бошлиғи*
2. Лавозимига кўра - Вилоят ҳокимлигидан бириктирилган вакил,  
*штаб бошлиғининг ўринбосари*
3. Лавозимига кўра - Маҳалла фуқаролар йиғини раиси,  
*штаб бошлиғининг ўринбосари*
4. Лавозимига кўра - Туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи (вакили)
5. Лавозимига кўра - Туман молия бўлими мудирини (вакили)
6. Лавозимига кўра - Туман давлат солиқ инспекцияси масъул ходими (вакили)
7. Лавозимига кўра - Туман инвестиция бўлими бошлиғи (вакили)
8. Лавозимига кўра - Марказий банк вилоят бошқармаси вакили
9. Лавозимига кўра - Вилоят фавқулотда вазиятлар бошқармаси вакили
10. Лавозимига кўра - Ёшлар иттифоқи туман бўлими бошлиғи
11. Лавозимига кўра - Туман меҳнат бўлими бошлиғи
12. Лавозимига кўра - Туман экология бўлими бошлиғи (вакили)
13. Лавозимига кўра - Вилоят савдо-саноат палатаси туман бўлими бошлиғи
14. Лавозимига кўра - Туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари (вакили)
15. Лавозимига кўра - Туман газ корхонаси раҳбари (вакили)
16. Лавозимига кўра - Туман сувоқава корхонаси бошлиғи (вакили)
17. Лавозимига кўра - Туман ер ресурслари ва кадастри бўлими бошлиғи
18. Лавозимига кўра - Туман бош архитектори
19. Лавозимига кўра - Масъул лойиҳа ташкилоти раҳбари
20. Лавозимига кўра - Туман йўл қурилиш ташкилоти раҳбари
21. Лавозимига кўра - Туман йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бўлими бошлиғи (вакили)
22. Лавозимига кўра - Туман халқ таълими бўлими мудирини (вакили)
23. Лавозимига кўра - Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси вакили
24. Лавозимига кўра - Туман дехқон бозори директори (вакили)
25. Лавозимига кўра - Вилоят маданият бошқармаси вакили
26. Лавозимига кўра - Тижорат банкларинг туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари
26. Лавозимига кўра - Дастур асосида бириктирилган масъул корхона ва  
ташкilotлар раҳбарлари



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630 қарорига  
6-илова

**“Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни  
мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси  
ТАРКИБИ**

1. А.Раматов - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Республика комиссияси раиси
2. Т.Худайбергенов - Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, Комиссия раиси ўринбосари
3. Д.Кучкаров - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
4. С.Холмуродов - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
5. Б.Хўжаев - Иқтисодиёт вазири
6. М.Салиев - Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири
7. А.Ахмедхаджаев - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
8. Ш.Хамраев - Сув хўжалиги вазири
9. Б.Закиров - “Давархитектқурилиш” кўмитаси раиси
10. А.Абдуллаев - “Давергеодезкадастр” кўмитаси раиси
11. А.Абдувалиев - Давлат автомобиль йўллари кўмитаси раиси
12. Б.Кўчқоров - Давлат экология кўмитаси раиси
13. А.Хайдаров - Молия вазирининг биринчи ўринбосари
14. С.Бекенов - Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
15. У.Мустафоев - “Ўзбекэнерго” АЖ раиси
16. А.Мустафоев - “Ўзтрансгаз” АЖ раиси
17. Б.Зарипов - “Ўзқурилишматериаллари” АЖ раиси
18. Ш.Жавлонов - “Маҳалла” хайрия жамғармаси раиси
19. И.Ахмедов - “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ бош директори
20. Ж.Мирзамахмудов - Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаменти мудири
21. И.Махкамов - Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаменти мудири
22. М.Жуманиязов - Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаменти мудири, Республика комиссияси котиби
23. Лавозимиға кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари

*Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*

*Республика комиссияси ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини жалб қилиши ҳуқуқига эга.*